

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 71 (10.376)

2005 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

Кўсқа

● **ЭРТАГА** Тошкент политехника касб-хунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда ўқитувчилар ўртасида «Нотиклик санъати» кўрик-танловининг туман bosқичи бўлиб ўтди.

● **БҮГҮН** шаҳримиздаги Хотира майдонида фахрийлар иштирокида ташкил этилган хайрия тадбири Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамда Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жаъмаъасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БҮГҮН** Республика Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан ишбилармонлар, тadbиркорлар иштирокида уюштирилган семинар корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш масалаларига бағишланди.

● **БҮГҮН** Акмал Икромов туман ҳокимлигида «Камалак» болалар ташкилоти туман бўлими томонидан «Камалак» сардорлари иштирокида ўтган йилда бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳомадасига бағишланган анжуман ўтказилди ҳамда «Камалак» фаоллари тақдирланди.

● **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.



Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ёшларнинг чуқур билим олишлари ҳамда касб-хунарларни мукамал эгаллашлари йўлида кенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Мирзо Улуғбек саноат касб-хунар коллежида ҳам олти йўналиш бўйича малакали мутахассислар тайёрланади.

СУРАТДА: коллежнинг «Тикувчилик ишлаб чиқариши» йўналиши бўйича билим олаётган ўқувчи-қизлар назарий билимларини шу ернинг ўзида мустаҳкамламоқдалар.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

XXI сағоси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда Марказий Осиё, Қора ва Каспий денгизлари минтақалари мамлакатларида ипакчилик саноати ва хунармандчилигини ривожлантиришга бағишланган халқаро симпозиум бошланди. Унда Ўзбекистон, Болгария, Греция, Грузия, Жанубий Корея, Озарбойжон ва бошқа мамлакатлардан мутахассислар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

● Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

● А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Тошкентдаги мактаб ўқувчилари ижодиёт марказида ёш доирачилар Республика танловининг шаҳар bosқичи ниҳоясига етди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси кўрғазмалар залида таниқли рассом Николай Пакнин «Керамика ва графика» номли бадиий кўрғазмаси очилди.

● Навоий шаҳридаги «Ишлаб чиқариш бошқармаси» акциядорлик жамияти таркибидagi корхоналар сони ва чиқарилаётган маҳсулот тури биттага қўлайди — 200 киши меҳнат қилаётган янги гишт заводи соатига 125 минг дона пишик гишт ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Жаҳонда

● Европа Иттифоқи Чеченистонга махсус делегация жўнатди. Ушбу делегация аъзолари Чеченистон, Ингушетия ва Шимолий Осетияда иқтисодийётни қайта тиклаш ҳамда гуманитар ёрдам бериш йўлларини ўрганади.

● Кеча Эстония парламенти Андрус Ансонни мамлакат Бош вазири лавозимига сайлади.

● Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банки Индонезияга цунамидан кейинги тиклаш ишларини амалга ошириш учун 300 миллион долларлик маблағ ўтказилишини тасдиқлади.

● АКШнинг Колорадо штатидаги кучли қор ёғиши транспорт ҳаракатининг тўхташига сабаб бўлди.

● Жаҳон бозоридa нефт хом ашёси нархининг тобора ортиши кўпгина давлатлар иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида «қора олтин»ни етказиб берувчи давлатларни ўз ичига олган ОПЕК ташкилоти май ойдан бошлаб нефт қазиб олишни суткасига 500 минг баррелга қўпайтирмоқчи.

«АРМИЯ ВА ЁШЛАР»

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мамлакатимизнинг Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда ўтказган давра суҳбати мавзуси ана шундай деб номланди.

Тadbирда таъкидланганидек, анжумандан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларимиз ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ёшларга тушунтириб беришдан иборат эди.

Ийгилигилар олдида сўзга чиққан сенаторлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг вакиллари армияда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий таъминоти хусусида атрофлича тўхталдилар.

Давра суҳбатидa алоҳида урғу берилдики, Қуролли Куч-

ларни ислох қилиш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган гоёлар ва ташаббуслар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги қонунда ўзининг ҳуқуқий муҳасамини топди. Бу қонун армия хизмати муддатини қисқартиришининг, контракт бўйича хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат, Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати сингари ҳарбий хизмат турларини жорий этишнинг ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни яхшилашнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиб берди.

Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасида, анжуман иштирокчилари айтиб ўтганидек, мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди ва айни ана шу асосда Қуролли Кучларимизда ислохотлар амалга оширилмоқда, мамлакат мудофаа қобилияти таъминланмоқда.

Ёшларнинг Қуролли Кучлар сафида хизмат ўташи, чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, жумладан, чақирувга қадар бошлангич тайёргарликка доир ҳуқуқий асоснинг турли жиҳатлари юзасидан жонли баҳс-мунозара шаклинида ўтган давра суҳбати ишида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан ўспирин ва ёшлар ҳам иштирок этди.

(ЎЗА)

Шаҳрим — фаҳрим

ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИ, ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ЗИЁДА БЎЛСИН СИЗ ШАҲРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЁДА КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗ?

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМА,
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ ВА «ОҚШОМ» ГАЗЕТА-
ЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Шуни эътироф этиш лозимки, Мустақиллик шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз пойтахти Тошкент янгилиниб, том маънода Шарқнинг машағлига айланди. Шаҳримизга бундан ўн йил олдин келган хорижлик сайёҳ ҳам уни дафъатан таний олмаслиги мумкин. Зеро, тарих учун килрик қоққудек ушбу қисқа муддат ичида шаҳримиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Юртбошимизнинг Наврўз байрами арафасида пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишлари чоғида билдирган ўринли фикр-мулоҳазалари, таклифлари, шаҳримизнинг янада чирой очишида аҳолининг, энг аввало ёшларнинг фикрлари билан танишиш, уларнинг таклиф ва гоёларини инобатга олиш тўғрисидаги мулоҳазалари ҳамшаҳарларимизни бефарқ қолдирмаётганлигига тахририятимизга йўлланаётган мактублар, телефон кўнгиноқлари ҳам яққол далилдир.

Давоми 4-5-бетларда.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ КИРГИЗИСТОНГА БЕГАРАЗ ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Қирғизистонда юзага келган вазият муносабати билан мазкур мамлакатга беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 60 вагондан иборат махсус поезд тайёрланиб, Андижонга жўнатилди. Инсонпарварлик юки таркибида уўглик чигит, минерал ўғитлар, дизель ёнилғиси, цемент, арматура бор.

Юкни қабул қилиб олиш учун Андижонга Қирғизистон ҳукумати вакиллари, журналистлар келди.

Андижон темир йўл бекатида митинг бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Б.Субанов очди.

— Мен бу ерга Қирғизистон Республикаси президенти вазири Иордан. — Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга, бутун Ўзбекистон халқига кўрсатган инсонпарварлик ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдирди. Шунинг таъкидлашнинг истардимки, халқингиз Қирғизистонга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзди. Дўстлик ришталари айнан мана шундай қийин дамларда синалади.

Қирғизистон Республикаси қишлоқ, сув хўжалиги ва қайта ишлаш sanoati вазири А.Анорбоев ушбу мурувват ёрдами экиш кампаниясини ўз вақтида яқунлаш имконини беришни алоҳида таъкидлаб, киргиз оилаларининг фаровонлиги, дастурхонининг тўқинлиги айнан шу ёрдамга ҳам боғлиқ эканлигини айтди. У кўрсатган мурувват ёрдами учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик изҳор этди.

— Қўшни киргиз халқи билан дўстлик муносабатларимиз азалийдир, — дейди Андижон шаҳридаги Хўтанариқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шўхрат Иброҳимов. — Бундай мурувват ёрдамини фақат тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган мамлакатгина кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон эса айнан шундай давлат. Бугунги воқеа бунга яна бир ёрқин мисолдир.

Поезд перрондан манзил сари йўл олди.

С.ШУКУРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ ТАЙЁРМИ?

Тез орада болажонларнинг ёзги таътили бошланади. Хўш, таътил давомида хўшманзара оромгоҳларда уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, чиниқишлари ва саломатликларини мустаҳкамлашлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилганми, тарбиячиларни тайёрлаш ишлари талаб даражасидами? Тошкент шаҳар ҳокимлигида мутасаддилар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда сўз борди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шўхрат Абдуқодиров олиб борди.

Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Мирзохид Содиқов оромгоҳларни мавсумга шайлаш юзасидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берди.

Шуни айтиш керакки, мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида болаларнинг дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни мазмунли ўтказиш бўйича шаҳар доимий комиссияси ва пойтахт касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши маълум ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқдалар.

Мавсумда фаолият кўрсатадиган оромгоҳларнинг сони, уларда соғломлаштириш режаси, молиялаштириш манбалари тасдиқланиб олинган. Энг муҳими, бу йил ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари анча эрта бошланди, дам олувчиларнинг сони ҳам кўп. Оромгоҳларга йўланмалар нархи эса биринчи арзонлаштирилди.

Ушбу муассасаларни мавсумга тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқилган шаҳар дастурига биноан меҳнат жамоаларида тузилган махсус комиссиялар 21-26 февраль ва 14-18 март кунлари ўз оромгоҳларида амалга ошириладиган тайёргарлик ишларини тафтиш-

дан ўтказдилар. Уларни тиклаш учун зарур бўлган қурилиш ашёлари ва жиҳозларини етказиб бермоқдалар. Шаҳар Кенгаши фаоллари эса гуруҳларга бўлиниб, март ойининг охиригун кунлигида барча стационар оромгоҳларда олиб борилган тайёргарлик ишларини текшириб чиқдилар ва уларнинг эгаларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар бердилар. Бундай текширувларнинг режа асосида апрель ва май ойларида яна уч-тўрт мартаба ўтказилиши ва барча оромгоҳларни май ойининг охиригача комиссияларга топширилиши мақсад қилиб олинган.

Айни кунларда оромгоҳларни ўз вақтида тайёрлашда «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси, «Алгоритм» ва «Технолог» акциядорлик жамиятлари, «Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ ва яна бир қатор корхоналар намунали ишлар олиб бормоқдалар. Ушбу оромгоҳларда муҳандислик коммуникацияси, ичимлик суви ва коммунал фойдаланиш иншоотлари таъмирланмоқда, автомобиль йўллари тикланмоқда, оромгоҳларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш ишлари амалга оширил-

моқда. Уларда телефон алоқасини тиклаш, кутубхоналарни янги нашрлар билан тўлдирish, болалар газета ва журналларига обуна бўлиш каби тадбирлар бажарилмоқда.


Шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши оромгоҳларни озик-овқат махсулотлари, тиббиёт анжомлари, мухтассис кадрлар билан таъминлаш ишлари юзасидан зарур ишларни олиб бормоқда. Ушбу масалалар шаҳар ҳокими ва шаҳар касабга уюшма ташкилотлари Кенгаши ўртасида 2005-2007 йилларга тузилаётган Келишув лойиҳасига киритилган.

Мавсумга тайёргарлик кўриш режасида апрель ойида барча оромгоҳлар бошиқларни, катта етакчи ва тарбиячилари, бухгалтерларини малака аниқлаш комиссиясидан ўтказиш ҳамда уларнинг барчасини «Алгоритм» оромгоҳи базасида ўқув-семинарида ўқитиш мўлжалланган.

Жорий йилнинг ёзги мавсуми даврида 26 та стационар ва 26 та умумтаълим мактаблари негизда ташкил этилаётган оромгоҳларда 39 минг 400 нафар, идоравий стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 7 минг 100 нафар пойтахт меҳнатчилари фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш режалаштирилган.

«Сихат-саломатлик йили» дастури доирасида эса стационар оромгоҳларда бепул йўланмалар билан шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маблаглар ҳисобидан 800 нафар Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларини, 500 нафар болалар ва спорт мактаблари ўқувчиларини, 900 нафар Мустақиллик байрами шодиёнасида иштирок этувчи шаҳар фуқароларининг иқтидорли фарзандларини ҳамда Оролбўйи минтақаси болаларини соғломлаштириш режага киритилган.

(Ўз мухбиримиз)



Сифатли ва рақобатбардош махсулот бугунги бозорнинг асосий талаби эканини ҳис этиб меҳнат қилиш муваффақиятлар учун муҳим омил эканлигини «DECORIMEX» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси тадбиркорлари жуда яхши англашмоқда.

Қўшма корхоналарда

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Шу боис ҳам корхонанинг ўтган 5 йиллик фаолияти давомида замонавий технологиялар

асосида ишлаб чиқариладиган қурилиш ашёлари импорт ўрнини босиши ҳамда рақобатбардошлиги билан харадорини топмоқда. Саъй-ҳаракат ва изланишлар, бозорни чуқур ўрганиш туфайли ҳам корхона қурилиш ашёлари бозорида етакчи ўринда туради.

Корхонада буюртмачилар учун кўргазмалар зали ташкил этилган бўлиб, бу ерга келган харидор аввало тадбиркорлар томонидан тайёрланган иситиш радиаторлари, безак панеллари, дераза ромлари ҳамда турли хил жалюзиларни кўриб, уларга буюртмалар бериши учун қўлайлик яратилган.

— Харидор диди ва бозор талаби ортиб бораётган бугунги кунда, — дейди ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Константин Килдышев, — рақобатга бардош берадиган буюртмаларни тез ва соз бажаришга, янги турларни ўзлашти-

ришга эришмаямиз. Бунинг учун эса, албатта замонавий технологиялардан оқилона

фойдаланиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш кераклигини жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳам доимий равишда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги-янги технологияларни жорий этишга, ишчилар малакасини оширишга аҳамият берамиз.

Ҳозирда иссиқлик мавсуми тугагани билан корхона учун бу мавсум энди авж олди, десак, асло муболага бўлмайди. Айниқса, ёзда қурилиш ва таъмир-

лаш, кейинги иссиқлик мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилади. Шу боис ҳам корхонанинг қўлай ва енгил, рақобатбардош алюмин радиаторлари ҳам талаб ортади.

Шуниси эътиборлики, ушбу радиаторлар нафақат рақобатбардошлиги, балки хозирги европача услубда таъмирланаётган хонадонларга алоҳида безак бўлиши, уларнинг кўркини ошириши билан ҳам ажралиб туради. Ушбу махсулот нафақат кўриниши ва хизмат кўрсатиши, балки экологик тозаллиги, чанг тўпласмаслиги, ўзидан буюк ҳидини чиқармаслиги билан ҳам рақобатбардошдир.

Энг нозиктаб ҳаридорлар дидини ҳам ўз махсулотлари билан қозонаётган қўшма корхона тадбиркорлари ички бозорда ўрнини топиш баробарида келгусида хориж бозорига чиқишни ҳам мўлжаллашмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар

«Камолот»

ҚЎШ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Ўлкамизда ҳамон Наврўз шукухи кезмоқда. Қизил Ярим Ой жамияти, «Камолот» ЁИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти ходимлари туманда жойлашган «Меҳригиё» клубида таҳсил олаётган болаларни Наврўз айёми билан қутлаш мақсадида клубга таширф буюрдилар.

Таширф давомида ҳомийлар томонидан болаларга дастурхон ёзилди. Сардорлар клубдаги болалар билан мириқиб суҳбатлашиб, кўнгилларини кўтардилар ва уларни қириб келган Наврўзи олам билан табриқладилар.

Тадбир сўнгида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши томонидан болаларга байрам совғалари улашилди.

Шунингдек, «Камолот» ЁИХ Акмал Икромов туман бўлими кенгаши томонидан деворга расм чизиш танлови ҳам ўтказилди.

Бунда туманда жойлашган мактаб ва ўқув муассасаларидан тақлиф этилган, расм чизишга иштиёқи баланд ёшлар иштирок этишди. «Хамма ёқда баҳор», «Хуш келдинг Наврўзи!», «Гулла она табиат!», «2005 — Сихат-саломатлик йили» каби мавзуларда расмлар чизишиб, ўқувчилар ўзлари таълим олаётган ўқув муассасасида «Камолот» ва «Камалак» фаолиятини ҳам акс эттирдилар.

Кўча юзюдаги оппоқ девор бир зумда камалакдек хилма-хил рангларга тўлиб кетди. Қизиги шундаки, расм чизавериб чарчамаган ўқувчилар девор ёнидаги автобус бекатини ҳам қўйилмақом қилиб бўаб қўйишди.

— Агар тасодифан ушбу кўчадан ўтиб, девордаги расмларга назар солсангиз ўқувчиларимиз маҳоратига қўйил қўласиз, — дейди жумладан туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Умида Раҳимова. — Уйлаймизки, келгусида бу ёшлар орасидан иқтидорли расмолар чиқадди.

Муъссар ИЛҲОМОВА

Мағлим

ЁШ ҲИЖИТЧИ-
ЛАР МАКТАБИ

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси орқали ёш педагоглар билан иш олиб боришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бошқарма ҳузурда «Ёш ҳижитчилик мактаби»нинг очилиши ҳам айти мурддо бўлди.

Ёш педагогларга тажриба-ли устозлар илғор иш услубларини ўргатиш ана шу мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Айти вақтда унинг машғулотларига жалб этилган тингловчилар таълимда қарор топаётган муҳим педагогик жараёнлар билан ҳам танишади.

Сабқонларни пойтахтимиздаги тажрибали моҳир ҳижитчилик олиб боришади. Улар дарс бераётган мактабларга уюштирилладиган сафарлар ҳам ўзига хос маҳорат кўриги бўлади.

Фаол иштирок этган тингловчилар бошқарма ҳамда шаҳар таълим ва фан ходимлари касбаба уюшмасининг совғалари билан тақдирландилар.

ЯНГИ УСУЛЛАРГА
БАҒИШЛАНДИ

Касбий таълим йўналишида амалга оширилаётган ҳижит машғулотларининг янада самарали бўлишини таъминлаш муҳим таълимий аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли Тошкент ахборот технологиялари университетига ҳам бундай таълимий жараёнларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

«Телекоммуникация тизимлари» факультетининг касбий таълим йўналиши бакалаврлари учун очик дарс машғулотлари ҳам режали асосда ташкил этилди. «Янги педагогик технологиялар ва касбий таълим методлари» деган мавзуда уюштирилган очик дарсни талабаларнинг ўзлари олиб бордилар.

Моҳир ҳижитчи Маҳсума Миҳриддинова раҳбарлигида ўтказилган машғулот олий таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг туган ўрнини намойиш қилди.

ЖИДИЙ
ИЗЛАНИШЛАР
САМАРАСИ

Ички ёнв двигателлари автомобилсозлик саноатида муҳим ўрин тутлади. Ана шу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган олимлардан бири профессор Марвар Тошпўлатов ҳисобланади.

Изланувчан олимнинг «Атроф-муҳит юқори чангланган шароитда автотрактор дизелларнинг ёниги узатиш аппаратураси иш қобилиятини тадқиқ этиш» деб номланган йирик илмий иши амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент Давлат техника университетида самарали фаолият кўрсатаётган ва фан арбоби томонидан яна қатор йирик тадқиқотлар амалга оширилди.

Олий ўқув юртининг «Ички ёнв двигателлари» кафедрасининг профессори М.Тошпўлатовнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиалари» деб номланган рисоласи ҳам босмадан чиқди.

Ақбар АЛИЕВ

АДОЛАТ — БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда адлия идораларининг 2004 йилда ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, галдаги вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда маъруза қилган адлия вазири Б.Мустафоев Президентимиз Исом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ва ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари иштирокида ўтказилган кенгашидаги нутқида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида адлия ходимлари олдида турган долзарб ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидландики, ҳуқуқ соҳаси ходимлари ўз бурч ва вазифаларини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан бажарса, масалага бош мезон - адолат нуктаи назаридан ёндошса, ҳокимиятнинг обрўси ва фуқароларнинг эртанги кунга ишончи ҳам шунчалик мустаҳкамланаверади. Адлия идоралари ходимлари ўз зиммасидаги бундай масъулиятли вазифани адо этишда муайян натижаларга эришмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида адлия тизимида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани қаттиқ танқид остига олинди. Ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилаётган ходимлар ҳам учраётгани аниқ далиллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг та-

шаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлашга қатта эътибор қаратилмоқда. Бу адлия идоралари ходимларидан ҳам қатта масъулият талаб қилади. Тадбиркорлар фаолиятига ҳалақат берадиган асосий текширувларга барҳам беришга эътибор янада кучайган пайтда бу жараённи назорат қилишга қаратилган тафтишларнинг кўпайгани ҳам танқид қилинди. Бу борадаги ишларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бундай салбий ҳолатларга бутунлай барҳам бериш, тадбиркор, фермер ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун кадрлар танлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойига қўйиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарур. Шу боис соҳада кадрлар билан ишлаш дастурини ишлаб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди.


Йиғилишда адлия идоралари олдида турган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

2005- Сихат-саломатлик йили

МЕХР-МУҲАББАТДАН ДАВО ТОПИШСИН

Маълумки, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти шахримизнинг кўркам ва баҳаво шифо масканларидан ҳисобланади. Бу ерда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, она-бола соғлиғини мустаҳкамлаш муҳим устувор вазифалардан саналади.



Шуни айтиш жоизки, маъмур институт клиникалари ҳозирги кунда ҳам илмий-ўқув-даволаш маскани ҳисобланади.

Институтнинг 1-клиникаси фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда аввало тозалик, тартиб-интизомга қаттиқ риоя этилиши, беморлар билан ўзаро муносабатга жиддий эътибор қаратилганлигини сезиш мумкин.

—Клиникамизда айти кунда институтнинг болалар касалликлари кафедраси, ҳамма терапевтик кафедралар, эндокринология, неврология ва бошқа кафедралар ўқув-амалий-илмий фаолият олиб бормоқда, — дейди биз билан суҳбатда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-клиникасининг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Шўҳрат Дадажонов. — Булардан ташқари республика ревматология, гастроэнтерология марказлари мавжуд. Ҳозирги кунда ҳукуматимизнинг талабига қўра даволаш ишлари интенсив равишда амалга ошириляпти. Масалан, клиникада нури диагностика кучли ривожланган бўлиб, юракни (УЗД) ультратовуш билан текшириш йўлга қўйилган. Бу ерда шунингдек, ички аъзолардаги ўзгаришларни бошланган

даврдаяқ кўрсатиб берадиган тиббий асбоблардан бири — компютери томограмма аппарати мавжуд. Булардан ташқари лаборатория текширувлари ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даражада мукамал йўлга қўйилган. Баъзи чуқур таҳлилий лаборатория текширувларини амалга ошириш, реанимация бўлимида ўта оғир беморларни кузатиш учун зарур бўлган мониторинг кузатувга мўлжалланган тиббий асбоблар бор. Клиникамизда шунингдек, амбулатор ёрдам яхши йўлга қўйилган. Бу ерда марказий маслаҳат поликлиникаси, гастроэнтерология маркази поликлиникаси, ревматология марказининг маслаҳат поликлиникаси мавжуд. Ушбу маслаҳат поликлиникаларида ҳозирги замонавий тиббиётта мос текширувлар амалга оширилади. Ва бир йилда 50-60 минг беморга амбулатор маслаҳати берилади. Клиниканинг болалар корпусида 6 та бўлим, катталар корпусида эса 17 та бўлимда беморлар турли хил касалликлар бўйича даволанишмоқда.

Клиникада шунингдек, интенсив даволаш бўлими мавжуд бўлиб, бу ерда шошилинч тез тиббий ёрдамга муҳтож беморлар да-

воланишади.

— Бўлимга оғир аҳволдаги беморлар тез тиббий ёрдам орқали келтирилиб, биринчи куннинг ўзидан ҳамма диагностика текширувлар ўтказилиб аниқ ташхис қўйиб даволанади, — дейди суҳбатимизга қўшилган госпиталь терапия кафедраси доценти, бўлим бошлиғи Саъдулла Абдуллаев. — Интенсив даволаш бўлимининг бошқа даволаш бўлимиларидан фарқи шундаки, кун тун ишлай-

диган лаборатория, рентген текширув хизмати, УЗД, ЭКГ текширувлари бор. Бўлим оғир касалликларни даволашга мослаштирилган бўлиб, республика ревматология марказида интенсив ревматология даволаш ишларини ҳам олиб боради. Масалан, йил давомида 80-90 беморга пульсо терапия муролажаси ўтказилади. Пульсо терапиянинг маъноси шундаки, 35-40 дақиқа ичида беморга минг миллиграмм метилпреднизолон дориси юрилади. Мана шу усул

билан бемор организмдаги кучли кечаётган аутоиммун жараён пасайтирилади ва унинг аҳоли тез суръатда яхшиланади.

Бўлимда туну кун беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган қўли энгил, ўз касби мяхр қўйган шифокору ҳамширалар талайгина. Ф.Музаффаров, Н.Қолиров, Т.Тошбоев, А.Собиров, У.Ражабова, Ҳ.Расуллова, Г.Исҳоқова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Истардикки, бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этган ушбу маскандаги саломатлигимиз посбонларига ҳамisha омад ёр бўлсин, беморлар доимо уларнинг ширин сўзларию, мяхр-муҳаббатларидан баҳраманд бўлиб, дардлари га

даво топишсин.
Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-клиникаси фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов
олган суратлар.

Ҳамкорлик

МУСТАҲКАМ
АЛОҚАЛАР

Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ҳамда 2002 йилдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва унинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор халқро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Кунни кеча «Соғлом авлод учун» жамғармасининг мажлислар залида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Айтин шу кун АҚШнинг «Сити ХОУП Интернешнл» халқро хайрия ташкилоти томонидан юборилган навабдаги муруват юкларини жамғарма омбуҳонасида тарқатиш тақсимоти ҳам бўлиб ўтди.

— Бизнинг «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси, — дейди маъмур жамғарма директори Дилбар Алимжонова, — жорий йилнинг февраль ойида АҚШнинг «Амери Керз» халқро хайрия ташкилотидан жами 947.262,14 АҚШ доллари миқдоридаги дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар, март ойида эса, 164564.96 АҚШ доллари миқдоридаги санитария гигиена воситаларини қабул қилиб олди. «Сити ХОУП интернешнл» халқро ташкилоти эса, 2002 йилдан буён Ўзбекистонга 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги 75 тоннадан иборат Американинг «Breedlove» корпорацияси томонидан тайёрланган сабзавот озуқалари ва қатта миқдордаги дори-дармонларни етказиб берди ва улар жамғармаимизнинг минтақавий филиаллари орқали барча Меҳрибонлик уйларида, беморларга ва тиббий муассасаларга етказилди.

Гулчехра ДҮРДИЕВА



Шаҳрим — фаҳрим

СИЗ ШАҲРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЁФАДА КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗ?

Давоми. Боши 1-бетда.

Шаҳримиз келажаги борасида ёшларнинг тасаввурлари, таклиф ва фикрлари билан яқиндан танишиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, «Тошкент» телеканали ҳамда «Оқшом» газеталари ҳамкорлигида куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида пойтахтимизнинг барча туманларидан келган ёшлар — олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида баҳс-мунозарали давра суҳбати бўлиб ўтди.

Куйида тadbир давомида билдирилган айрим ўринли таклифлар, қизиқарли саволлар билан сиз азиз муштарийларни таништириб ўтамиз.

Давра суҳбати аввалида меъморчилик соҳасининг мутахассислари йиғилганларга кейинги пайтларда шаҳримиз туманларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик ишлари хусусида қисқача маълумот беришди.

Рамазон ШОМУРОДОВ,
Шайхонтоҳур тумани бош меъмори:

— Ҳозирда айниқса шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида қизгин бунёдкорлик ишлари кетмоқда. Жумладан, Зарқайнар ва Сағбон кўчалари кенгайтириляпти. Шу муносабат билан бир мунча қаровсиз қолган ёшлар театри, табиат музейи, босмаҳона, Маҳсидўзлик кўчасидаги эски кутубхона, дўкон, айрим ҳовлилар бузилиб, бош режа асосида янги қурилишлар олиб борилмоқда. Хусусан, барча керакли шарт-шароитлар яратилган ёшлар ижодиёти маркази қад ростламоқда. Бутун Эски шаҳар худуди кафтагидек кўриниб турадиган 16 метрли минора ҳам янги қурилишлар орасида ўз ўрнини топади албатта.

Абдухалил ШОҲИДОВ,
Собир Раҳимов тумани бош меъмори:

— Дарҳақиқат, шаҳримизнинг энг қадимий гўшаларидан бири бўлиши Эски шаҳар аҳолисига қулайликлар яратиш мақсадида кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Тез орада бу ерда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, савдо марказлари ўз фаолиятини бошлади. Янги-янги замонавий бинолар қуриш режалаштирилган. Масалан, 1-босмаҳона ўрнида Замонавий модалар уйининг қурилишини тез орада битказиш кўзда тутилмоқда. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам таъмирлаш ишлари кетяпти. Бу ерда Эски шаҳарни пойтахтимизнинг бошқа худудлари билан ўзара боғловчи замонавий ёшлар боғи бунёд этилиб, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг сеvimли дам олиш масканига айланиши шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, Тош Бошрежа ЛИТИ институти томонидан ишлаб чиқилган махсус режа асосида худудда коммуникация ишларини янади яхшилаш ҳамда, сув, телефон, газ тармоқларини ўтказиш амалга оширилмоқда.

Ҳабиб ЯРАШЕВ,
Чилонзор тумани бош меъмори:
— Бизнинг туманимизда ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, метронинг

С.Раҳимов бекати атрофида кўприк эстакадаси қурилди. Бу тифиз транспорт қатновининг анча тартибга келишига имкон яратди. Халқлар дўстлиги кўчаси қайта таъмирланди. Кўплаб савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ишга туширилди. Чилонзор буюм бозори, Бешёғоч деҳқон бозори ҳам замонавий асосда таъмирдан чиқарилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ошди.

Режага кўра яқинда Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ҳам таъмирлаш ишлари бошланади...

Шундан сўнг ёшлар ўзларини қизиқтираётган саволлари, дилларига тугиб қўйган таклифларини билдира бошладилар. Саволларга меъморлар атрофида жавоб қайтардилар.

Шаҳноза ҲАЙДАРОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси:

— Тўғри, шаҳримизда кўплаб қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилётгани кувонарли ҳол. Бироқ бунда Шарқона усул, миллий руҳни сақлашга қанчалик эътибор қаратилмоқда?
Жавоб: — Албатта, лойиҳа ишларини амалга оширишда бунга катта эътибор қаратилади. Масалан, Эски шаҳар бозоридаги Болалар дунёси дўкони Шарқона усулда тўлалигича қайтадан бунёд этилади. Шаҳримиз чиройига кўрк қўшиб турган Олий Мажлис биноси ҳам Шарқона усулда миллий руҳда қурилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, минтақамиз иқлимидан келиб чиққан ҳолда биноларнинг ёзда исиб кетмаслиги, қишда совуқ ўтказмаслигига ҳам уларни лойиҳалаш чоғида катта эътибор қаратилади. Энг муҳими, ҳозирда миллий технологиялар асосида мамлакатимизда кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, лойиҳалаш ишларида шаҳримизнинг ҳар бир худуди ўзига хос бетақдор қиёфага эга бўлишига ҳам аҳамият қаратилмоқда.

Жамшид БЎРИЕВ,
талаба:
— Шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати қоидалари белгилари ҳамма жойларда ҳам лозим даражада олиб қўйилмаган. Базилилари эскириб қолган. Мутасаддилар шу йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратсалар нур ус-

тига аъло нур бўларди.

Гулмира СОЛИҲОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси:

— Янги йўллар қуриладиганда кишиларга қулайлик яратиш мақсадида

бинолар қуртиш мумкинми?

Жавоб: — Албатта, биз XXI асрда яшаймиз. Бинобарин, пойтахтимизни гўзал бетақдор шаҳарга айлантириш учун ранг-баранг, жумладан баланд қаватли бинолар-


Олимжон ҲАКИМОВ,

Тошкент архитектура-қурилиш институти 1-курс талабаси:

— Мен шаҳримизга ўрнатилган реклама шитлари ҳақида ўз фикримни билдирмоқчи эдим. Улардан

ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИ, ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ЗИЁДА БЎЛСИН

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ, «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ ВА «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИҚДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ



йўлақлар ҳам ҳисобга олинса. Баъзан, бу иш ўрганилмай қилинганиданми, кишилар ушбу йўлақлардан юрмай, ўзларига бошқа йўл топмоқдалар.

Бобур ҲОЖИБОЕВ,
Ҳамза мусиқий коллежи ўқувчиси:
— Шаҳримизда баланд, осмонўпар

нинг қурилиши ҳам кўзда тутилди. Шу жиҳатдан олганда, Тошкентнинг сейсмик худудда жойлашганлиги сабабли технологиялари, конструкциявий ечимлари 9 балли зилзилага чидамли кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда.

кўпроқ корхоналар маҳсулотлари рекламалари ўрин олади. Шулар ўрнига юртимизнинг турли соҳалардаги ютуқлари, ҳикматли сўзлар битилган, кишиларни эъгуликка етаклайдиган, маънавиятини бойитадиган рекламалар қўйилса, бу ёшларимиз-

ни юртга муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшган бўлар эди.

Нурбек АБДУҲАМИДОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти 1-курс талабаси:

— Қурилишларнинг меъморий қиёфаси ва ташқи муҳитнинг уйғунлиги ҳам менимча муҳим масалалардан ҳисобланади. Масалан, биноларга атроф-худудда экиладиган дарахлар ҳам мос бўлиши керак. Уларни бутаб, қирқиб, қуриганлари олиб ташланиб, ўрнига шу муҳитга мос турларини танлаб, арча, баъзи жойларга бутали ўсимликларни эккан ҳолда кўзни кувнатадиган қиёфага келтириб туриш лозим.

Бундан ташқари, бино фасадлари рангини ҳам шу худудга мос келишини эътиборга олиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Насиба РАСУЛОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси:

— Албатта, шаҳримизда кўнгилочар дам олиш масканлари, боғлар, хиёбонлар, чиройли бинолар кўп. Лекин баъзида оддий нарсаларга ҳам кам аҳамият қаратилади. Масалан, баъзи керакли жойларга ахлат қутилари қўйилмаганлиги сабабли маҳаллаларда, кўчалар атрофида чиқиндилар уюми тўпланиб ётганига кўзингиз тушади. Айрим қурилиши тугалланмай ётган биноларни ҳам шаҳримиз ҳуснига доғ деб ҳисоблайман.

Масалан, Буюк Ипак йўли кўчасида ҳам худди шундай чала битказилган тўққиз қаватли бино бор.

Дилафруз НУРХЎЖАЕВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси:

ТАҲРИРИЯТДАН: Давра суҳбати юқоридаги каби ўринли фикр-мулоҳазалар, жўяли таклифларга бой тарзда ўтди. Зийрак, зукко ёшларимиз боғ, хиёбон ва бошқа кўнгилочар жойлар қайта таъмирланаётганда дарвозалар, панжаралар, ҳатто соябонларга ҳам эстетик жиҳатдан ёндошган ҳолда уларни бўяшда ранглариининг тева-рак-атрофга мос келишига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги, киши жонидан бошқа ҳамма нарса топиладиган Шарқона бозорларимиз тобора гўзаллашиб бораётган бир пайтда савдо расталарини кўпайтириб, оёқ остиларида нарсалар сотилишига барҳам берилса нур устига аъло нур бўлиши, қуриладиган кўп биноларимиз ташқи тарафдан жуда чиройли кўринса-да, ички томони мустаҳкам ва пишиқ эмаслиги, бинобарин бундай «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» услубдан воз кечиб кераклиги тўғрисида мулоҳаза ҳамда таклифларини куюнчақлик билан билдиришди.

Шаҳримиз ёшларининг савол ва таклифларига туман бош меъморларидан ташқари ТошкентБошрежаЛИТИ институти архитектура-қурилиш бўлими бошлиғи Маҳмуд Мусоев, мазкур институт архитектори Фахриддин Абдурахмоновлар атрофида жавоб қайтаришиб, қурилиш меъёр ва қонун-қоидалари тўғрисида тушунчалар беришди.

Ўйлаймизки, давра суҳбати давомида билдирилган ўринли фикр-мулоҳазалар мутахассислар томонидан эътиборга олинади.

«Оқшом» газеталари таҳририяти шу мавзудаги кейинги учрашувларни туманларда ўтказишни режалаштирган.

— Кўпчилик бўш вақтларини, дам олиш куларини оиласи билан маданият ва истироҳат боғларида кўнгилли ҳордиқ чиқарган ҳолда ўтказишни хуш кўради. Хўш, боғларимизда дам олиш учун барча шарт-шароитлар етарлими, деган ўринли саволнинг туғилиши табиий. Бу томондан нолимасакда, бироқ очик тан олиш керак, боғларимизда дискотеклар ҳалдан зиёд кўпайиб кетган. Бу кексаларнинг асабига тегса, ёшларимизнинг маънавияти, тарбиясига салбий таъсир қилади деб ўйлайман. Менинг фикримча, дискотекларни боғлардан ташқарига чиқариш керак.

Феруза ЖЎРАЕВА,
Тошкент архитектура-қурилиш институти инженер-қурилиш факультетининг 3-курс талабаси:

— Шаҳримиз кўрки-таровати ҳақида гап борганда, менимча камчиликнинг катта-кичиги бўлмайди, масаланинг ҳар бир томонига жи-дий аҳамият қаратиш керак. Масалан, «Олой» бозорида автобусларнинг катта шохбекати кенг ва қулай худудга жойлашган. Ўринли савол туғилади: нега шохбекатнинг ярмисида соябон бору, бошқа ерларида йўқ? Нима учун лойиҳалаш жараёнида бу ишга аҳамият қаратилмаган?

Ёки бўлмаса Мирзо Улуғбек туманидаги Пушкин ҳайкали жойлашган кичик хиёбонни олайлик. Ҳокимлик биноси рўпарасида бўлса-да ушбу хиёбоннинг қаровсиз ҳолда эканини тушуниш қийин...

Давра суҳбатини
Дилшод ИСРОИЛОВ
ёзиб олди.

Шарқ дурдоналари



● **Доналдан бири айтади:**
— Ёмон кишилар билан уфлат бўлишдан қочгин. Одამнинг табияти ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши ҳислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан уфлат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон ҳислат ўғирлаб олади.

● **Доналнинг айтишича,** ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстан қўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Мухаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб куйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва уфлатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фиску фужур ухлар. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишди, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишди. Одамлар эса гапнинг тағига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси баҳил ва ҳасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ёйдилар. Тугаса душманга айландилар. Мен бунга ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўпчилигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланмишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди:
— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Қимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узокроқ ур. Улар сени ўз яқинларингдан айришадди ва беғоналарни ақинлаштирадди. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат қишга аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилда меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

● **ҲИКОЯТ.** Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир куни эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товўкка кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт унинг қулоғига баян билан бир овоз эшитилди. У чоратрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иштаҳаси аланга олди. Уша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу қулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бум-бўш бўлиб, хаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ногора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқадган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан қуйиб надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эси, бу хаводан шиган нарсани деб ҳалол сайдимни кўндан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манфаат етмади!» Қитъа:

Ногора даранглар
тинымсиз вале,
Ичи бўшдир, бундан
нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишини
тагини ўйла,
Ялтироқ ташига
қилма эътибор!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ДЎСТЛАРИ

Франциядаги Ўзбекистон дўстлари ассоциацияси ҳайъатининг республикамизга ташрифи ақкуланди.

Шу йилнинг февраль ойида ташкил этилган ҳамда ўз сафларида Франция расмий, ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари билан шартли равишда Франция Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида бўлиб, парламентаризм ривожлантириш тажрибаси ҳақида сўзлаб беришди, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан танишишди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган ҳайъат таркибини Франция парламенти сенаторлари ва депутатлари, турли шахарлар мэрлари ташкил қилишди. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида бўлиб, парламентаризм ривожлантириш тажрибаси ҳақида сўзлаб беришди, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан танишишди.

ГЕРМАНИЯДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш замонавийнинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Жорий йилни Сихат — саломатлик йили деб эълон қилиниши Ўзбекистонда ушбу масалага юқори даражада аҳамият берилётганидан далолат беради. Дунё давлатларида соғлиқни сақлаш тизимида эришилган илмий тажриба билан танишиш эса мамлакатимиз учун саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳали очилмаган янги қирраларни кашф этишда ёрдам беради. Қуйида Германия Федератив Республикасида жорий қилинган соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳусусида сўз юритилади.

Германияда аҳолига амбулатор тиббий хизмат кўрсатиш, асосан, хусусий шифокорлар томонидан амалга оширилади. Малакали врачлар махсус рухсатнома билан ўз тиббий клиникаларини очиб ва бир неча йўналишлар бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин. Мамлакатда тиббий хизматнинг ушбу тури кенг тарқалган. Шартнома асосида ишлайдиган тиббиёт ходимлари эса касалхона, клиника каби стационар даволаниш марказларида ёки тиббиёт институтлари қоридида илмий текшириш марказларида фаолият олиб борадилар. Бундан ташқари, шифохоналарда махсус касалликлар бўйича хусусий шифокорлар учун ҳам ўрин ажратилган ва улар беморларга ҳам амбулатор, ҳам стационар шароитда хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Ҳар бир врач ҳудудий шифокорлар палатасининг аъзоси ҳисобланади. Бундай ушқоқлар зиммасига малака ошириш курсларини ташкил қилиш, тиббиёт ходимлари томонидан касб бурчларига риоя қилинишини кузатиб бориш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, амалиётга жорий этилаётган турли ҳуқуқий-норматив ҳуж-

жатларга нисбатан соҳа вакиллари фикрларини ўрганиш, ҳуқуқматга аҳоли саломатлигининг аҳоли тўғрисида ахборотлар тайёрлаш каби вазифалар юкланган.

Германияда соғлиқни сақлаш тизимини тиббий сугуртасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айтиш жоизки, мамлакатда саломатликни сугурталаш тўғрисидаги қонун илк бор 1884 йилда ҳаётга тadbик этилган. Бугун Германия аҳолиси тўлалигича ушбу хизмат туридан фойдаланмоқда.

Мамлакат қонунчилигида ҳар бир ишчи ва хизматчи давлат томонидан таъсис этилган 300 дан ортиқ сугурта ташкилотларидан бирига аъзо бўлиш мажбурияти белгиланган бўлиб, сугурталанган шахслар шартнома асосида ишлайдиган шифокорлар ва ортопед-тиш шифокорларини эркин танлаш ҳуқуқига эгалар. Бунда шифокор ва шифохона хизмати, даволочи ва ёрдамчи воситалар учун харажатлар сугурта газналарини томонидан қопланади. Шунингдек, сугурта газналари даволаш мақсадларидаги муолажа хизмати харажатлари тўловини ҳам қисман ёки бутунлай ўз зиммасига олишлари мумкин.

«Интилганга толе ёр» деб шунга айтсалар керак. Абдурасул Фуломов интилиб, изланиб санъат пиллаояларидан ўтиб ўз муҳлисларига эга бўлди. Қирқ йилдан буюн санъат гулшанида ижод қилиб кўплаб шоғирдлар етиштирди. Айни кунда шоғирдлари билан карнай-сурнайда аънавий ва

йўлидаги ниятлари жиддий эканидан далолат беради.

Франция ҳайъати аъзолари вазириллар ва идоралар, республика Бадий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимиятида бўлишди, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилишди. Ватанига қайтиб кетиш олдидан Ассоциация президенти Жорж Исраел шундай деди:

— Биз ўзимиз учун аjoyиб бир мамлакатни қайта кашф этдик, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунги кунини билан танишдик. Ўзбек халқининг дўстона муносабати, унинг самимияти ва меҳмондўстлиги кишини ҳайратга солади. Бугун Ўзбекистон бағрикенг ва илмий ислом динини номоён этаётган, бу эса мамлакатингизни дунёга танитадиган белги бўлиши мумкин.

Феруза ҒУЛОМОВА,
«Жаҳон» АА

Германия соғлиқни сақлаш тизимида, айниқса, касалликни олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш хизмати эътиборга моликдир. Давлат тиббий сугурта хизмати томонидан миқозлар учун касалликни олдиндан аниқлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра болалар ва ўсмирлар ўн йил йўналишдаги шифокорлар текширишдан белгиланган муддатларда ўтиб туришлари лозим.

Саломатлиги сугурталанган инсон 35 ёшдан бошлаб ҳар икки йилда қорак-қон томчилари касалликлари, нефрологик касалликлар, қандли диабет каби жамият орасида кенг тарқалиб бораётган хасталиқларнинг олдини олиш мақсадида шифокор кўригидан ўтиш ҳуқуқига эга. Айлар йигирма ёшдан, эркаклар қирқ беш ёшдан бошлаб ҳар йили рақ касаллигини олдиндан аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтдилар.

Сугурта газналари ўн икки ёшгача бўлган болалар учун боғча ва мактаблар билан ҳамкорликда тибби касалликларидан ҳимоя қилиш тадбирларини уюштиришди. Шунингдек, олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар бир йилда икки марта тишларини текширтириб туришлари жоиз бўлса профилактик даволанишлари мумкин.

Германияда болалар саломатлигига алоҳида эътибор берилди. Улар учун тиббий хизмат ва дори-дармон харажатлари сугурта компаниялари томонидан тўла қопланади. Қария ва ногиронларга яқиндан ёрдам бериш учун махсус амбулатория хизмати жорий қилинган бўлиб, унда малакали ҳамширалар тиббий ёрдамга муҳтож, лекин қарайдиган ҳеч ким йўқ беморларга уй шароитида хизмат кўрсатадилар.

Басраҳман АСЛАНОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин

Санъат гулшанида

СУРНАЙ НАВОСИ ЯНГРАСИН

Мустақиллик туфайли миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, аъналаримиз қадр топди. Маълумки, халқимизда қадимдан тўй-тантаналар, байрамлар карнай-сурнай, ногорою чилдирмалар жангисиз ўтмайди. Карнай-сурнай ҳар бир хурсандчилик маросимларининг кўркіга айланган Миллий аъналаримиз, эъозланаётган бир даврда карнай-сурнай наволарига ҳам эҳтиёж кучаймоқда. Чунки бу чолғу асбоблари тўйларимизга файз, мазмун ва завқ бағишлайди.



замонавий куйларни маҳорат билан ижро этмоқдалар. Улар ихросидаги «Фаргона тонг отгунча», «Гулсара», «Таманно», «Дилжаро», «Муноҳот», «Кўлғай», «Ўйнасин», «Наво» сингари ҳозиргача куйлар халқимиз баҳри дилини очиб, қалбларига завқ бағишлаб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки Абдурасул ака шоғирдларини йигир гуруҳ тузишини оруз қилиб юрди. Аввало «Ўзбекнаво» таркибидидаги академик ва халқ жомалари дирекциясида карнай-сурнайчилар гуруҳига раҳбарлик қилди. 2001 йилда эса Абдурасул Фуломов раҳбарлигида истеъдодли созандалар А.Ғуломов, И.Соипов, З.Султонов, Ф.Султонов, А.Турсунматов, Ф.Ғунаев, А.Юсуповлардан иборат «Офарин» гуруҳи ташкил топди. «Офарин» гуруҳини тузишдан мақсад, — дейди

Абдурасул Фуломов, — Миллий аъналаримиз, қадриятларимизни улуғлаб, ёш авлод қалбига сингдириш, миллий чолғу асбоблари умрини узайтириш тўй ва байрамларда халқимиз қалбига шодлик ва кувонч улаштиш. Бугунги кунда шоғирдларимизнинг қамолдан, санъатдан, ютуқларидан жуда хурсандман. Санъатсиз, куй-қўшиқсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Қўшни маҳаллада янграган карнай-сурнай навоси менинг қалбимда ақдо саро беради. Истагим ҳар бир хонадонда, ҳар бир маҳаллада, юртимизда тўйлар, байрамлар кўлайиб карнай-сурнай наволари янграб турсин. Бу юртимизда тиңлик, фаровонликдан дарак.

Абдурасул Фуломов раҳбарлигидаги «Офарин» гуруҳи мана бир неча йилдики шаҳримизда ўтказилаётган турли байрам тадбирларида, концертларида иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, нафақат республикамиз, балки чет мамлакатлар — Германия, Франция, Польша, Куба, Таиланд, АКШ, Жанубий Корея давлатларида ва Красноярск шаҳрида ўтказилган фестивал ва концертларда иштирок этиб муваффақият қозониб қайтишди.

Абдурасул Фуломовнинг санъат йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб баҳолашиб 1996 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига ва бир неча бор Фахрий ёриқларга сазовор бўлди. Халоп меҳнат қишга бахт ва омад келтиради, дейдилар. Дарҳақиқат, Абдурасул ака ҳам санъати, ҳалоп меҳнати билан эл орасида обрў, ҳурмат-иззат топди. Биз ҳам моҳир созанда Абдурасул Фуломов ҳамда унинг шоғирдлари санъатига «Офарин» десак арзийди.

Дилором ИКРМОВА
СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурасул Фуломов.

Дунё шаҳарлари

**САНЪАТ
КЎЗГУЛАРИ**

Испаниянинг эътиборли ва машҳур бойлиги дунёдаги энг бой ҳисобланган Прадо музейидир.

Бу музей 1809 йилда ташкил топган. Бу ерда Испания, Италия, Фломандия, Германия, Англия ва Франция тасвирий санъатининг энг аслари жойлаштирилган. Прадо музейи полотнолари билан машҳур бўлган Беллини, Ботичелли, Босха, Гой, Рафаэль, Рубенс, Тицан, Эль Грек кабиларнинг ижодий ишлари билан таништирилади. Музей биноси 1785 йил меймор Хуан де Вильянуэва лойиҳаси асосида қурилган. Бино тўғри бурчак шаклида бўлиб, тахминан, бўйига 200 метр ва энгига 40 метр келади. Бинонинг олд қисми Барба, Эрмас ва Сальватьера ижодлари асосида безалган. Прадо музейининг очилиши 19 ноябрь 1819 йил, Фердинанд VII шоҳлиги даврида бўлган. Прадодаги энг биринчи йиғилган асарлар, асосан, 311 та испан рассомлариники, Гойга мансуб бўлиб, у шоҳлик тўплами (коллекцияси) ҳисобланар эди. Кейинги йилларда суратлар фонди кенгайти ва 1850 йилга келиб рўйхатда 1000 тадан ортиқ асар мавжуд эди. Прадо музейи ташкил топгандан бошлаб шоҳ саройи тасарруфида турарди. Музейнинг биринчи директорлари маркиз де Санта Крус, шаҳзода де Англона, маркиз де Арис ва Иридо де Ихар бўлишган. Уларнинг маслаҳатчилари эса, албатта рассомлардан танланган. Кейинчалик маслаҳатчи рассомлар музей директориликка ҳам кўтарилган.

1912 йилда музей ҳомийлиги ташкил топди, музей биноси эса 1914-1920 йиллар давомида кенгайти. XX асрнинг бошларида Прадо музейи ҳаётида иккита муҳим воқеа содир бўлган. Биринчиси машҳур Пабло Босканинг энг кизик ижодий асарларига мерослик бўлса, иккинчиси танкили Дофин хазинасига мансуб асарларнинг ўғирланиши эди. Испанияда граждандар уруши бошланган даврда музей директори лавозимига Пикассо таиниланади.

70-йилларда музей тўғридан-тўғри таълим ва фан вазирлиги тасарруфида ўтади. Шу йиллардан бошлаб жаҳоннинг кўпал машҳур санъат асарлари сотиб олина бошланади. Прадо музейи суратлар галереяси жаҳондаги энг тўлиқ галереялардан биридир. Унинг бадий фонди фақатгина энг кўп (3000 та) эмас, балки энг сара санъат асарларидан ҳам иборат. Музейнинг энг биринчи тасвирий фондини шоҳ Филипп II дан бошлаб Карл V гача бўлган давр асарлари ташкил қилса, кейинги бадий фонд тўпламини Сан Баудилио де Берланта (Сория) ибодатхонаси деворларига ишланган суратларнинг полотноларга кўчирилган нусхалари ёритади. Музейда кўрсатилган готик санъати намуналари ўрта асрларга хос бўлган Франция ва Сиена услубларига ҳам дахл қилиб туради.

Яқин йилларда Прадо музейи собик, замонавий Санъат музейи билан бирлашади. Энди музей маъмурлари Прадо музейини энг кўна ва жуда замонавий рўзга мослашни кўзлаб турибдилар.

Гул қувонч, нафосат, дўстлик, меҳр-муҳаббат ва покизалик рамзидир. Гул кичиларнинг кайфиятини яхшилайти, руҳини кўтаради, эстетик завқ бағишлайти кишига. Одамзоднинг гулларга бўлган меҳр-муҳаббати ва шайдолиги қадим замонлардан буюн давом этиб, кишининг кон-қониға сингиб кетган. Саҳий табиат бизга турли-туман гуллар инъом қилган, бу гуллар орасида атиргул, бойчечак, бинафша, гултожиҳўроз, савсар, қизғалдоқ ва бошқа ранго-ранг гуллар билан худди янги келинчақнинг уйдаи безанади. Дарҳақиқат, сеvimли шоиримиз, бахт кўйчиси, баҳор ва Табиати куйловчи Ҳамид Олимов эъганидек:

**Толлардаги қип-қизил
лола,
Бўлиб гўё ёқут пиёла...**

Шу гуллар орасида ўзининг жилвагар ранги жозибали кўриниши, нафислиги билан ажралиб турадиган гуллардан бири лола гулидир. Юртимизда гулнинг бу тури қадим замонлардан буюн кишиларни мафтун қилиб келмоқда. У дастлаб эрта баҳорда кир-адирларда, тоғ чўққиларида барқ уриб очилади. Шоир Саъдий ўзининг 1258 йилда ёзган «Гулистон» достонида лола гулиға ажойиб таъриф беради.


Буюк мутафаккир шоир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам Самарқанда яшаб, ижод этган йиллари ўз достонлариға лолалардан гузаллик рамзи сифатида жуда кўп ва ўринли фойдаланган. У ҳатто лолаларнинг турли навлари борлигини ҳам айтиб ўтган. Шу маълумотлардан ҳам равшан кўриниб турибдики, XV асрдаёқ ҳозирги Ўзбекистонимиз худудларида лола кўп бўлиб, у шоирларға куч ва илҳом бағишлаган. XV аср охири—XVI аср бошларида яшаб, ижод этган буюк шоир ва адиб Заҳриддин Муҳаммад Бобур лола ҳамда унинг турлари ва хушбўйлиги тўғрисида шундай ёзган эди: «Бу замонда (тоғ этагида) ранго-ранг ҳар хил лола бўлур. Бир қатла санъатим, ўттиз икки, ўттиз уч нав файри муҳаррар лола қикди. Бир нав лола бўлурким, андин қизил гул ҳиди келур, лолаи гулбўй дер эдик. Дашти Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас...»

Ўрта Осиё лоласининг доверуи ўша даврларда ҳам гул ишқибозлари диққатини тортганили маълум. XVI асрдаёқ лола пиёзи Ўрта Осиёдан бошқа бир қатор Европа мамлакатлариға олиб ўтилган. У аввало Англия, Австрия, Голландия каби давлатларға олиб кетилган. Голландиялик олимлар Ўрта

Осиё худудида ўсадиган лолаларни частиштириш йўли билан кўпайтириб қатта фойдаларнинг кайфиятини яхшилайти, руҳини кўтаради, эстетик завқ бағишлайти кишига. Одамзоднинг гулларга бўлган меҳр-муҳаббати ва шайдолиги қадим замонлардан буюн давом этиб, кишининг кон-қониға сингиб кетган. Саҳий табиат бизга турли-туман гуллар инъом қилган, бу гуллар орасида атиргул, бойчечак, бинафша, гултожиҳўроз, савсар, қизғалдоқ ва бошқа ранго-ранг гуллар билан худди янги келинчақнинг уйдаи безанади. Дарҳақиқат, сеvimли шоиримиз, бахт кўйчиси, баҳор ва Табиати куйловчи Ҳамид Олимов эъганидек:

**ГУЛ — ТАБИАТ
МАЛИКАСИ**

Гул! Шу бир сўз замирида олам-олам маъно ётади. У муҳаббат ва ҳурмат, висол, вафо ва садоқат рамзи сифатида асрлар оша халқ адиблари ва шоирлар назмида барқ уриб келади, инсоннинг энг мусаффо туйғулари тимсолида кўшиқлардан кўшиқларға кўчади.



диган лолаларнинг саксон уч тури Ўрта Осиёда, йигирма уч хили эса бизнинг республикамизда учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника боғи ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги боғдорчилик ҳўжалигида ҳам лолаларнинг бир неча турлари ўстирилмоқда. Республикаимизнинг ботаник-гулшунос олимлари, жумладан, биология фанлари номзоди, Асатулла Шарипов лолаларнинг янги навларини яратиши ва уларни иклимиға мослаштириш борасида самарали илмий текшириш ишлари олиб бормоқда. Лолашунос Асатулла Шарипов 46 йилдан бери лола навини яратиш билан шуғулланиб келмоқда. Шу давр ичиде қатта тажрибага эга бўлган олим 15 дан ортиқ лола навини яратган, шунингдек, унинг «Лола» номли рисолаи ҳам чоп этилган. Нафисликда тенги йўқ бу гул диёримизнинг хушманзара жойларида кўп учрайди. Саҳий табиат бағридан ўрин олган қизил, оқ қизил, тўқ қизил, сарғиш, тарғил ва бошқа ранглардаги лолалар якка-якка ҳолда, тўп-тўп бўлиб ўсади.

Лола — хушбўй гул бўлиши билан бирға табиёт фани мутахассисларнинг таъкидлашлариға, унинг шифобахш

хусусияти ҳам бор экан. Халқ табобатида лола пиёзи ревматизм, юрак, томир касалликларини даволашда қўлланади. Чипқон, кўз яраларини тўзатишда ҳам фойдали. Пўсти, уруғи янчилиб, сувда қайнатилиб ичилганда бош оғригини қолдиради, қон кетишини тўхтатади. Унинг таркибида крахмал, қанд қисло-

да Тошкентда уюштирилган Наврўз ва Лола сайилларини ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтказилиши ва унда кўп киши қатнашганлигини зўр қизиқиш билан ёздаи элшунос И.Кушнарева.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, ана шундай қадимги энг яхши аънанавий маросим ва одатларимиз, қадриятларимиз бугунги Муस्ताқиллик кунларимизда янги шакл ва мазмун билан янада бойиб бормоқда.

Биноваран, яқин вақтлардан бошлаб гул билан боғлиқ бўлган бошқа бир қанча маросимлар пайдо бўла бошлади. Бу «Гул байрами» ўтказиш маросимидир. Бундай байрам одатда август ойида бўлиб, унда гул ишқибозлари ўзлари етиштирган янги гул навларини кенг намойиш қиладилар. Табиатнинг дилкаш, анвойи гулларини севиши ва уни қадрлаш, гулчиликни ривожлантириш, гул навларини кўпайтириш «Гул байрами» моҳиятини ташкил этади. У юртимизнинг ҳар бир шаҳри, тумани, қишлоқ ва маҳалласида, умуман мамлакатимиз бўйича оммавий ўтказилишиға арзийди. Сўлим ва гўзал Фаргона водийсининг кўна шаҳарларидан бири Шаҳрихонда ҳар йили «Гул байрами» — («Гул базми») ўтказилиб келинади. «Гул базми», бу—янги аънана. Унинг бунёдкорлари ҳам бугунги куннинг навқирон ёшларидир. Гул билан боғлиқ байрамлар Наманганда ҳам ҳар йили мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Сўнгги йилларда туманлар, шаҳарлар ва вилоятларда махсус гул байрамлари, гул сайилларининг қатта кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ўтказилиши қувончлидир албатта.

Ҳа, гулға бўлган меҳр-муҳаббат, уни севиши ва қадрлаш ҳаммининг истаги, қатта ҳаваси, қувончи. Шундай экан, биз қадриятларимиз бўлмиш қадимий халқ байрамлари, сайилларини қадрлаш — унда фаол қатнашиш билан бирға Она табиатни кўз қорачиғидай асрашимиз лозим. Шаҳримиз маҳаллаларида гузар ва кўча четларига кўпроқ анвойи гуллар экиб, маҳалларимизни гўзаллаштиришимиз керак. Яшил боғларимиз, гулзорларимиз қанча кўпайса, юртимиз, шаҳарларимиз, маҳалларимиз шунча гўзал, ҳавоси мусаффо бўлиб, кайфиятимиз чоғ, руҳимиз тетик бўлади. Хулоса қилиб айтганда гул — табиат маликаси, туганмас илҳом ва роҳат манбаи. Гулзорларни авайлашимиз, ҳар бир тўп гулни эъозлаб ўстиришимиз керак.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
санъатшунос.**

Табиат ажойиботлари

**ЭНГ ҚАДИМИЙ
ЖОНИВОРЛАРДАН БИРИ**

Ақуалар кенжа синфи 250 турдан иборат бўлиб, қатта-кичкилиги ва ташки кўриниши билан бир-биридан фарқ қилади. Энг кичкиниси 20 сантиметр бўлса, йириклари 20 метрғача узунликда, вази эса 14-15 тоннани ташкил этади. Баъзи бир турлари қатнақ парда билан ўралган тухум кўйиб кўпайса, баъзилари тирик туғади.

Ақула гўшти унчалик мазали бўлмас-да овқатга ишлатилади, жигари балиқ мойи ва дармондориларға анча бой, унинг териси ўта пишққ бўлиб ёғоч ва темирдан тайёрланган буюмларни пардозлашда қўлланилади. Шунингдек, ақула терисидан турли хил кийимлар тикиш мумкин. Ақуланинг умуртқа сўя-

гидан ўта тансиқ шўрва тайёрланади. Хитойликлар бундай таомни расмий зиёфатларда дастурхонға тортадилар. Унинг ёғида балиқ мойиға нисбатан 10 қарра зиёд миқдорда А дармондориси учрайди.

15 миллион йил илгари Ўзбекистон худудида ҳам ақуаларнинг бир неча турлари яшаган. Тошкент вилоятиға қарашли Оқсоқ ота воҳисида Неоген давриға оид қатламлардан ақуаларнинг тишлари топилган. Бу тишлар Тошкент Давлат университетини музейида сақланади.

Ақулани ҳар томонлама сирли жонивор деб айтиш мумкин. Улар динозаврлардан ҳам илгарироқ пайдо бўлган ва сайёрамиз-

талари, алкалоидлар, минерал тузлар, витаминлар борлигини унутмаслик керак.

**Гулзор ичра лола муҳир
шифокор,
Бу ҳикмат гулининг
эшит, неси бор:
Кўзларда юз бўлса кўз
оғриқ, яра,
Уни тузатмоққа доридир
сара.**

**Бадан терилари
куруқшаб агар,
Ёрилса ё тушса фойда
келтирар.
Кўзнинг қувватиға
кўшади қувват,
Кўз нури кўпаюр,
кўрмайди захмат.**

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонимизда қадим даврлардан бошлаб ҳар хил хушбўй гуллар, лолалар ўстириши ва турли номлар билан гул сайиллари ўтказиш кишилар ҳаётида одат тусиға кириб қолган.

«Тошкент шаҳри атрофида бир баландик майдонда чодирлар ўрнатилиб, ҳар йили халқ сайили шу ерда ўтказишар экан. Сайил бир ҳафта давом этиб, унда узлуксиз мусиқа, рақс, ашула, цирк ва спорт ўйинлари ҳамда илмий-хил саҳна спектакллари давом этган», — деб ёздаи элчи Филипп Назаров 1813-1814 йилларда Тошкент шаҳри атрофида уюштирилган Наврўз ва Лола сайилини. 1890 йил-

даги ўта қадимий турлардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, ақуаларнинг бунчалик узоқ яшашининг сирини улар тана сўяқларининг тўла равишда тоғайдан иборат эканлигидадир. Ақула одамини ҳайратдан қолдирадиган даражада соғлом жонивор, у ҳатто оғир ярадор бўлганда ҳам яллиғланиши, юқумли касалликларға чалинмасдан тўзатиб кетади. Унинг иммунитетини тизими ҳар қандай вирус ва бактериялар хуружини бартараф этади.

1983 йили жаҳоншумул кашфиёт амалға оширилди. Рақ касаллигини даволаш муаммосиға ёндошиш тўбдан ўзгарди. Америкалик олим Роберт Лангер ақула тоғайи таркибида рақ тўқималарининг ўсишини тўхтатиб қўйдиган модда — мукополисахарид мавжудлигини исботлади.

Мексика ва Австралия сувларида яшайдиган иккита тур ақула балиғида ана шундай шифобахш модда топилган.

**Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори**

Спорт

**КУРАШ
БАЙРАМИ
БОШЛАНАДИ**

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ат-Термизий халқаро хотира турнирининг анъанавий тарзда ўтказиб келиниши ва унда мамлакатимизнинг етти воҳаси, шунингдек хорижий давлатларнинг энг кучли курашчилари қатнашишини спорт ишқибозлари яхши билишади.

Термиз яна улкан кураш байрамини ўтказиш арафасида турибди — 22-25 апрель кунлари Халқаро Кураш Ассоциацияси ва Ўзбекистон кураш федерацияси ташаббуси билан Ат-Термизий Халқаро хотира турнири ўтказилади. Яна бир қувончли томони шундаки, турнир доирасида фахрийлар ўртасида ҳам кураш ҳамда белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади.

Сўнгги маълумотларга кўра нуфузли мусобақаларда куч синишиш учун жаҳоннинг йигирмага яқин давлатидан полвонларнинг келиши кутилмоқда.

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТ
ҚОЗОНИШДИ**

Спортнинг дуатлон, триатлон каби нисбатан янги турлари мамлакатимизда жадал ривожланмоқда. Бунга нуфузли халқаро мусобақаларда спортчиларимиз кўрсатаётган юқори натижалар орқали ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Жумладан, Таиландда бўлиб ўтган дуатлон бўйича Осиё чемпионати ҳамда триатлончилар беллашган Осиё Кубоги мусобақалари бунга яна бир қарра исботлади.

Катталар ўртасида 2 хил масофага югуриш ва велосипед пойгаси бўйича баҳс юритган дуатлончимиз Иван Морозов вақт жиҳатидан энг юқори натижага эришиб Осиё чемпионни деган фахрий номга сазовор бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Артём Михеевга қумуш нишон насиб этди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган қитъа чемпионатида ҳам умидли, моҳир дуатлончимиз Павел Растрининг барча уч турдаги баҳсларда муваффақият қозониб, ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Триатлончилар ўзаро беллашган Осиё Кубогида ҳам спортчиларимиз энг юқори ўринлари эгаллашди. Яъни Евгений Алексеев фойлибар сафини бошқарган бўлса, бу гап Иван Морозов иккинчи ўринни эгаллади. Артём Михеев бронза медални қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўқитиб

Мамлакатимизнинг бешта шаҳрида XIV миллий чемпионатнинг иккинчи тур учрашувлари ўтказилди.

**ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ
БЕЛЛАШДИ**

Ўтган йилги чемпионат беллашувларини муваффақиятли ўтказиб турнир жадвалининг 5,6-поғоналарини эгаллаган «Трактор» ва «Локомотив» жамоалари ўзаро баҳс олиб борди.

Дастлабки турда «Навбахор» жамоасига сафарда 0:3 ҳисобида имкониятни бой бериб кўйган «тракторчиларнинг бу сафар ҳам омадлари келмади. Ўз майдонларида тўп сурганикларига қарамай Вадим Абрамов шоғирдларининг негадир ўйини қовушмади. Мурасосиз, қизқарли, ҳаяжонли дақиқаларга бой учрашувнинг 2-дақиқасида «тракторчи Наукаров дарвозани аниқ нишонга олиб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлсада, Идиатуллин ва Усмонхўжаевлар томонидан 62,90-дақиқаларда киритилган голлар «Локомотив»га 2:1 ҳисобидаги муҳим ғалабани туҳфа этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Тупаланг» — 4:0; «Машъал» — «Навбахор» — 2:1; «Сўғдиёна» — «Металлург» — 0:0; «Самарқанд — Динамо» — «Шўртан» — 1:0

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 3-тур учрашувлари 15 апрелда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Қаётганлар

ҚОЗОН ВА ЧЎМИЧ

— Мени арғиб туришса бас. Қумушдек ярақлайман. Сени юз бор арғишса ҳам қоралигингча тураверсан, — деди чўмич.

— Барибир, — деди хотиржамлик билан қозон, — тақдиринг менга боғлиқ. Менда бўлса сенга чиқади. Бўлмаса, минг ялтираб чиройли бўлсанг ҳам назардан четда қолаверсан.

ФОЙДАСИЗ УМР

— Ёнғоқ тарвақайлаб истаганча жойини эгаллаб ётса ҳам менга болта урасан. Бир бўйра жойгайм ҳаддим сиғмайди, ҳақиқат борми? — жингли дарактининг фиғони ошди.

— Ҳақиқат бор, — деди ўтинчи унга, — ёнғоқ юз бўйра жойни эгалласа ҳам шунга яраша элга нафи бор. Сен-чи, бир бўйра жойнинг меҳрини ҳам оқламайсан.

Умрингни бекор ўтказайсан. Эл, юртни ўйламай яшаётган умрнинг ҳоли войдир.

ИЛОЖ ЙЎҚ

Кўм-кўк ўтлоқда мол боқар эканман қўйлар қақиртиканакнинг палакларини ҳам ея бошлади.

— Палакнинг дув-дув қақиртиканакларини яхши чайнолмай ютса зарар-ку?! — ваҳимага тушим. Фикримни қўй боқиб юрган отахонга айтган эдик, тиканакни ушлаб кўри-да, мени хотиржам қилди.

— Ҳозир бўш, бегубор маҳали. Бездарар. Улғайиб тани қотгач эса асло едирманг. Ундан қочиб, нари юринлар...

— Раҳмат, хўп бўлади, отахон. Шу вақт хаёлимга бир фикр ярқ этиб урилади: ёшлигида бегуноҳ-бегубор бўлган инсонларнинг айримлари улғайгач, қақиртиканакдек захридан қанча одамлар қочиб қутулмоқчи азият чекади. Илож йўқ, Мана шуниси ёмон!

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус,
касб-хўнар таълими бошқармаси
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сонли «Ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан М.Улғубек Қурилиш КХҚ, Тошкент Туризм КХҚ, Ҳамза Компьютер КХҚ, Республика Рассомчилик КХҚ, У.Носир номли Тошкент Матбааноширлик КХҚ, Тошкент Иқтисодийёт КХҚ, Тошкент менежмент ва технологиялари коллежи, Шайхонтоҳур Транспорт КХҚ, Тошкент Политехника КХҚ, С.Раҳимов Политехника КХҚ, Серегели Политехника КХҚ, С.Раҳимов Маиший хизмат кўрсатиш КХҚ, Тошкент Эстрада — цирк, ТАТУ қошидаги лицей — интернат, ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей, 1-ТошДавТИ қошидаги академик лицейи, ЎзМУ қошидаги Сирожиддинов номли академик лицейи, Низомий номли ТДПУ қошидаги академик лицейи ва Глиэр номли академик лицейларига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвонли) ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар
қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:**

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўрвнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий — услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4x6 ўлчамли 6 дона фотосурат
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
10. ИИББ ёки ИИБ дан маълумотнома

Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улғубек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.

**ЙЎЛОВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

Шароф Рашидов кўчасининг А.Навобий кўчасидан А.Қодирий кўчасигача бўлган қисмининг ёпилиши сабабли 57-автобус йўналиши қатнов йўли 2005 йил 13 апрелдан бошлаб қисман ўзгартирилади ва қатновлар Хуршид кўчаси орқали Зулфияхоним, У.Юсупов, А.Навобий, Ш.Рашидов кўчалари орқали бир томонлама бориб, ўзининг илгариги йўналишида давом этади. Орқага қайтишда Ш.Рашидов кўчасидан бошланиб, А.Навобий, У.Юсупов, А.Қодирий кўчалари орқали юриб, ўзининг илгариги йўналишида давом этади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси

**АБИТУРИЕНТЛАР
ДИҚҚАТИГА**

Й.Охунбоев номли Республика тиббиёт коллежида 2005 йил 4 май куни соат 8-00 дан 18-00 гача «Очик эшиклар» куни ўтказилади.

Тиббиёт коллежи

1. «Фармация»
2. «Ҳамширалик иши»
3. «Тиббий профилактика иши»
4. «Лаборатория диагностикаси» йўналишларида мутахассисларни тайёрлайди.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Туркқўрғон кўчаси, 9-уй.
АВТОБУСЛАР: 14, 18, 97, 148, «Ишчилар шаҳарчаси» бекати.



**Бош муҳаррир
Акмаль АҚРОМОВ**

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳақми — 2 босма тибқ офсет усулида босилади.
5009 нусхад босилди. Қўғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.